

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР «ОЛИМА» УЮШМАСИННИНГ ИШТИРОКИ

Мавлонова Ситора Шералиевна

Ўзбекистон Миллий Университети тарих факультети

1-курс магистранти.

Annotation: Civil society institutions are playing an increasingly important role in the socio-political life of the republic. Today, these organizations, ie citizens' self-government bodies, political parties and movements, trade unions, public organizations and foundations, non-governmental organizations, the media, assist government agencies in protecting the interests of all segments of the population on the basis of social partnership and successfully exercise public control. increases.

Калит сўзлар: Фуқаролик жамияти, демократия. Ижтимоий шериклик, Олима уюшмаси, илм фан, жамоат ташкилотлари.

Демократик ўзгаришлар ҳамда жамиятни эркинлаштириш жараёнида фаол қатнашмоқда. Уларнинг самарали фаолият кўрсатишида, шубҳасиз, зарур ташкилий-хукуқий асослар яратилгани, хусусан, 250 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбик этилаётгани муҳим омил бўлаётир.

Республикамизнинг мустақил тараққиёт йўли мамлакатимизда илм-фан ривожи учун кенг имкониятларни юзага келтирди. Фаннинг барча соҳаларини замон талабларига мос тарзда моддий-техник ресурслар билан таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Илм-фанны ривожлантирувчи интеллектуал салоҳият эгалари бўлмиш олимлар, жумладан олималарнинг ижтимоий фаоллиги бу даврга келиб янада ошди. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ хотин-қизларнинг илмий, ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган нодавлат нотижорат ташкилоти Ўзбекистон хотин-қизлар «Олима» уюшмаси 1992 йили республиканинг бир гурӯҳ илм-фан фидойилари, олимлари ҳамда жамоат арбоблари томонидан ташкил этилди.

Шунингдек “Олима” уюшмаси илмий даража ва унвонларга эга бўлган, мамлакат олдида турган иқтисодий, ижтимоий, миллий, экологик, хукуқий муаммоларни ҳал этишда қўмаклашиш учун илмий-тарбиявий фаолият билан шуғулланаётган, тинчлик ва хавфсизлик манфаатларида ҳалқаро инсонпарварлик йўлидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган аёллар куч-ғайратларини бирлаштиришдан иборат. Уюшма ўз олдига қўйидаги вазифаларни қўйган:

- республикада уюшма тадбирларини ўтказиш орқали тинчлик, дўстлик ва ўзаро тушуниш ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш;
- уюшма фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш мақсадида хорижга мутахассисларни хизмат сафарига жўнатиш ва чет эллик мутахассисларни қабул қилиш;
- ўрнатилган тартибда хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш, республика ҳудудида уюшма устави мақсад ва вазифаларига тааллуқли мусобақалар, форумлар, умумий ийғилишлар ва семинарларни ўтказиш, уюшма ўз ишини унумли юритиш мақсадида моддий-техника базасини бойитиш ва молиявий мустаҳкамлаш бўйича ишларни амалга ошириш;

- хотин-қизлар фаолияти йўлидаги барча муаммоларни тугатиш учун хорижий мамлакатларда, давлат ва жамоат тузилмаларини бошқаришда ортирилган тажрибани ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланишига ҳаракат қилиш;
- ишбилармонлик, кичик корхоналар, акционерлик жамиятларини ташкил этиш соҳасида хотин-қизларни ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий ва бошқа жиҳатлардан кўллаб-куватлаш ҳамда уларга фойдали маслаҳатлар бериш, ўзаро билим ва тажриба алмашиш, қўшма фаолиятининг миллий ва ҳалқаро даражадаги турли соҳаларида монографиялар нашр этиш, хорижий институтлар ва ташкилотлар билан мутахассислар алмашиш, у ерларга мутахассисларни иш ўрганиш учун юбориш;
- хотин-қизлар ўн йиллиги БМТ тенглик, тараққиёт, тинчлик шиорларни ҳаётга тадбиқ этиш учун қурашаётган барча миллий, ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, ҳалқаро миқёсдаги нодавлат ташкилотларида уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳалқаро ташкилотлар, бирлашмалар ва уюшмаларнинг дастурларида, амалий кўрсатмалар ва бошқа тадбирларни ўтказишида қатнашиш, уюшма фаолияти доирасига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси, МДҲ ҳамда хорижий мамлакатлар билан амалий алоқалар ўрнатиши.

ЎзРФА академиги, кимё фанлари доктори, профессор Сайёра Шарафовна Рашидова уюшманинг биринчи раиси сифатида узоқ йиллар давомида фаолият кўрсатди. Мазкур даврда илм-фан натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш жараёни йўлга қўйилди, ҳалқаро алоқалар ривожланди. Ўзбекистон хотин-қизлар “Олима” уюшмаси 2009 йилдан бошлаб т.ф.д., профессор Р.Х. Муртазаева раҳбарлигида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Профессор Р.Х.Муртазаева нафақат Фанлар Академияси тармоғида ишлаётган олималарни, балки бутун республика олий ўқув юртлари, ўрта маҳсус таълим соҳасида фаолият кўрсатган олима аёлларни ҳам уюшма ишига жалб қилди.

Кейинги йилларда “Олима” уюшмаси бутун республика олима аёллари, ёш тадқиқотчи қизларни ўз фаолияти дорасига қамраб олди. Иккинчидан, фуқаролик жамияти шакланаётган ҳозирги даврда профессор Р.Х.Муртазаева ўз фаолиятида бутун республика аҳолиси интеллектуал салоҳиятини юқори даражага кўтариш, уюшма имкониятларини янада кенгайтириш, хотин-қизларни жаҳон илм-фани саҳнасига олиб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаяпти.

“Олима” уюшмаси Ўзбекистондаги барча олималарни жипслаштириб, ҳамжиҳатлик ва ахиллик билан фаолият юритишини асосий шиор қилиб олган. Уюшманинг асосий мақсадларидан бири – республикада шаклланган илмий салоҳиятдан фойдаланган ҳолда ёш авлодни илмий тадқиқотларга жалб қилиш, қизлар орасида ушбу ғояни тарғиб қилиб, етакчи ва ёш олималарни илмий ютуқларини республика ва хориждаги илмий марказларда кенг тарғибот қилиш, уларга илмий салоҳиятини ривожлантиришда кўмаклашиш ҳисобланади.

Кейинги йилларда уюшма бошқаруви аъзолари олима аёлларнинг нафақат республика, балки ҳалқаро майдондаги фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ташаббусларини кўллаб қувватлаш ишини давом эттироқдалар.

Шу йиллар давомида “Олима” уюшмаси томонидан ўтказилган қатор тадбирларда Ўзбекистонда яшаётган барча хотин-қизлар, хусусан, олималарнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, касбий камолотга эришиш, ҳалқаро алоқаларни такомиллаштириш, республикада олиб борилаётган кенг қамровли ижтимоий, маънавий, сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар мөҳиятини ёшлар онгига сингдириш бўйича мақсадли фаолият олиб борилмоқда, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

“Олима” уюшмасининг хорижий алоқаларини ривожлантиришда профессор Р.Х.Муртазаева юқори даражада жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Олима уюшмасининг

**International Conference on Developments in Education
Hosted from Amsterdam, Netherlands**

<https://econferencezone.org>

April 30th 2022

Бошқарувида ҳалқаро алоқалар бўйича масъул Дилфузахон Эгамбердиева иштирокида уюшма иккита нуфузли ҳалқаро ташкилотига аъзо бўлди. Булардан бири ҳалқаро INWES (Муҳандис ва олим аёлларнинг ҳалқаро алоқалари) деб номланган ташкилот бўлса, иккинчиси эса TWAS – ривожланаётган давлатларнинг ҳалқаро Фанлар Академиясидир.

INWES дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида (Фан, Технология, муҳандислик ва математика соҳаларида) фаолият юритаётган аёллар ташкилотларининг ҳалқаро бирлашмаси ҳисобланади. Ҳалқаро алоқаларни ривожлантириш мамлакатимиздаги оlima аёлларнинг илмий ишларига катта ҳисса қўшиб, уларни турли мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлашини ва илмий ютуқларини ҳалқаро конференцияларда намойиш этишини таъминлайди.

INWES ташкилотининг мақсади – фан, технология, муҳандислик ва математика соҳаларида фаолият юритаётган қизлар ва аёлларни тўлақонли меҳнатлари туфайли жаҳонда ёрқин келажак қуришдан иборатdir. INWES дунёнинг 11 та минтақасини, жумладан: Шимолий Америка, Жанубий ва Марказий Америка, Фарбий Европа, Шарқий Европа, Африка мамлакатлари, Марказий ва Фарбий Осиё, Жанубий-Фарбий Осиё, Шарқий Осиё, Австралия худудларини қамраб олган. Шунингдек, ушбу ташкилот ҳалқаро ва маҳаллий лойиҳалар тайёрлаш, маълумотлар алмашиш, аёллар ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш билан ҳам шуғулланади. INWES ташкилотининг асосий фаолиятига конференцияларни ташкил қилиш, маҳаллий тадбирларни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг фан-технологиялар соҳаларидағи илмий изланишлари борасида мuloқot қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон – ёшлар давлати бўлиб, аҳолининг тенг ярмини хотин-қизлар ташкил қиласи. Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатлари, ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятларини юзага чиқариш бўйича аниқ механизм дастури ишлаб чиқилган. Мазкур механизмнинг ижроси давлат сиёсати миқёсида қуидагиларда ўз аксини топган:

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти танлови;

“Истеъдод” грантлари;

“Илм юлдузлари” интеллектуал кўрик-танлови;

“Илм сари илк қадам” Давлат гранти;

“Ёш олималар фундаментал ва амлий тадқиқотлар” Давлат грантлари;

Ўзбекистон Олий Мажлиси хузуридаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” танлови;

Инновацион ғоялар ва технологик лойиҳалар ярмаркаси;

“Таълим гранти дастури” танлови;

“Иқтидорли талабалар учун стипендилар” дастури танлови.

Шунингдек, жаҳон миқёсида ЮНЕСКО томонидан ёш олимлар учун “Барқарорлик ривожланиши таъминлаш йўлида” маданий ва илмий соҳаларда изланиш олиб бораётган ёш ва иқтидорли олимларни танлови шартлари ҳам ишлаб чиқилган.

“Олима” уюшмаси республика олималари томонидан қўлга киритган илмий-тадқиқот натижалари, умуман фан ютуқларини ўзбек ҳалқи фаровонлигини юксалтиришга қаратган бўлиб, ёш авлодни тарбиялаш, Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини ошириш ишига ўзнинг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Холбоев С., Иноятова Д ва бошқалар. Миллий университетда кечган ҳаёт музмуни. Тошкент: Mumtoz so‘z, 2015. -Б. 88-89.
2. Саипова К. Д. Историографический обзор изучения истории народного комиссариата по национальным делам туркестанской АССР //Вестник развития науки и образования. – 2011. – №. 4. – С. 86-91.
3. Саипова К. Д. Реализации национальной политики среди национальных меньшинств Туркестана //Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives. – 2015. – С. 26-28.
4. Абидов К. О., Саипова К. Д. ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ МОДЕЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ //ЗАҲИРИДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ. – С. 102.